

РАЙХАНОВ Улуғмурод Алиевич,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети “Иқтисодиёт”
факультети катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТА СИНФ САФИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

УДК 334.012.3

РАЙХАНОВ У.А. ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТА СИНФ САФИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАР ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Мақолада ўрта синф сафини кенгайтиришнинг аҳамияти, унинг ҳозирги ҳолати, ривожланиш тенденциялари, ўрта синфни устувор даражада ривожлантириш ва сафини кенгайтиришда инновацион ишланмалар, хусусий тадбиркорликнинг роли илмий-назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Таянч иборалар: фаол тадбиркорлик, ислохотлар йўли, ўрта синф, инновацион маҳсулотлар, инновацион ёндашув.

РАЙХАНОВ У.А. МЕСТО ИННОВАЦИОННЫХ РАЗРАБОТОК И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РАСШИРЕНИИ СРЕДНЕГО КЛАССА В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье рассмотрены значение расширения среднего класса, его современное состояние, тенденции развития. Также, с научно-теоретической стороны описано место инновационных разработок и частного предпринимательства в расширении среднего класса.

Ключевые слова: активное предпринимательство, путь реформ, средний класс, инновационный продукт, инновационный подход.

RAYKHANOV U.A. THE PLACE OF INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE EXPANSION OF THE MIDDLE CLASS IN UZBEKISTAN

The article considers the significance of the expansion of the middle class, its current state, development trends. Also, there is described the scientific and theoretical issues of innovative developments and private entrepreneurship in the expansion of the middle class.

Keywords: active entrepreneurship, reform path, middle class, innovative product, innovative approach.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида барча мамлакатлар томонидан ўрта синфни шакллантириш ва унинг сафни кенгайтиришга катта эътибор берилади. Чунки бозор ислохотларининг чуқурлашуви ва жамиятдаги ижтимоий барқарорлик ушбу синфнинг аҳоли таркибида юқори улушга эга эканлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистонда ўрта синфни аҳоли таркибида улушини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудки, бунда хусусий тадбиркорлик етакчи ўрин тутди. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев қуйидаги фикрларини баён этган: “Шу ўринда фаол тадбиркорлик деган тушунчага қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этилган иқтисодий йўналишдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафни кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим”¹.

Мазкур масаланинг қанчалик долзарблигини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан ҳам англаш мумкин. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шунингдек, 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди². Президентимиз томонидан 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-

қувватлаш йили” деб эълон қилинди³, шу билан бирга 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди⁴.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ҳозирда ўрта синфни ривожлантириш ва унинг улушини кенгайтиришнинг ислохотлар йўли ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади. Собиқ иттифоқ даврида хусусий мулкнинг мажбуран давлат мулкига айлантирилиши оқибатида ўрта синфни шакллантиришнинг мазкур тарихий йўли инкор этилган.

Иқтисодётни модернизациялашнинг ҳозирги босқичида ислохотлар йўли билан ўрта синф сафни кенгайтириш ва ривожлантиришда давлат муҳим роль ўйнайди. Ислохотлар йўли билан ўрта синфни шакллантириш, унинг сафни кенгайтириш ва ривожлантириш натижасида бугунги кунда дунё миқёсида ўрта синфга кирувчи аҳоли сони ва даромадаларининг тез суръатлар билан ўсиши кузатилмоқда.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бугунги кунда дунё аҳолисининг моддий таъминоти ошгани ҳолда очарчилик муаммоси камаймоқда. Бутун дунё аҳолисининг қашшоқлик чегараси ярим бараварга, яъни 1990 йилдаги 1,9 млрд. кишидан 2015 йилдаги 836 миллион кишига камайган. Ривожланаётган ҳудудларда тўйиб овқатланмаган аҳолининг улуши 1990-1992 йиллардаги 23,3%дан 2014 йилдаги 12,9%гача қисқарган. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 1991-2015 йиллар мобайнида “меҳнат қилувчи ўрта синф”га кирув-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

² http://lex.uz/Pages/GetPage.aspx?lact_id=3431440

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

⁴ <http://2018.strategy.uz/>

1-расм. Ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони (2010-2016 йиллар)¹



чи аҳолининг яшаш харажатлари кунлик 4 доллардан амалда уч мартага ошган².

Бугунги кунда жанубий мамлакатларда юксалиб бораётган маҳаллий бозорларда ўрта синфнинг асосини ташкил қилувчи маҳаллий тадбиркорлар қатламига кенг имкониятлар яратиб бериш орқали қазиб олиш, алоқа, молия, туризм ва қайта ишлаш саноатлари каби тармоқларга инвестициялар ҳажми ошиб бормоқда. Ўтган ўн йилликда бошқа минтақаларда, жумладан Ғарб мамлакатларида, амалга оширилиши бошланган бундай сценарий натижасида иқтисодиётларда таркибий ўзгаришлар юзага келди ва маҳаллий саноат тармоқлари инвестициялар оқими натижасида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашга эришди. Лекин тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ушбу жараён, яъни ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш технологик салоҳият ва инфратузилма сушт даражада ривожланган мамлакатларда қийин кечиши кузатилади.

Хўш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш мамлакатимизда

қай тартибда ҳал қилинмоқда? Кузатишлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар нафақат корхоналарда ишлатилган техника ва технологик жараёнларни янгиллашни, балки бошқарувни ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг берган маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган барча турдаги корхона ва ташкилотлар ўз кучи билан инновацион маҳсулотлар, ишланмалар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни амалга оширмоқдалар.

Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони 2010 йилдан 2016 йилга қадар 8 баравар кўпайиб, 289 тадан 2374 та етди. Жумладан биринчи марта инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхоналар сони 696 тага кўпайди.

Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 2016 йилда 10688,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 1,3 баробар, 2008 йилга нисбатан 8 баробарга кўпайган. Инновацион харажатлар 2008 йилга нисбатан 5 баробарга кўпайган бўлса, 2015 йилга нисбатан 53 фоизга камайган.

2016 йилда 893 та корхона ва ташкилотлар томонидан 1816 турдаги технологик инновация жорий этилган. Жорий қилинган технологик ин-

¹<https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2038-innovatsion-faoliyat>

²Доклад о человеческом развитии в Российской Федерации за 2015 год / под ред. Л.М.Григорьева и С.Н.Бобылева. –М.: Аналитический центр при Правительстве Российской Федерации, 2015. С. 7.

2-расм. Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлари динамикаси (2010-2016 йиллар)¹

новацияларнинг 44 фоизи (799 таси) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда ўрта синф сафини кенгайтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти кўпайиб кетганлигини асосини ташкил қилади.

Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни сафини кенгайтириш ва аҳоли даромадларини ошириш имконини бериши.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан келтирилган биргина қуйидаги маълумот орқали ушбу соҳани ривожлантиришнинг нақадар муҳимлигини англаш мумкин: “Йил давомида биз учун ғоят муҳим бўлган янги иш ўринларини ташкил этиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди. 2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди”².

¹ <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2038-innovatsion-faoliyat>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/uz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг берган маълумотларига кўра 2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлганлар сони 4,5 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,6 миллион кишини, 2016 йилда эса 10,4 миллион кишини ташкил этиб, мазкур соҳада банд бўлганларнинг сони 2000 йилга нисбатан 5,9 миллион кишига ёки 2,3 баравар кўпайган. 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг 79,0 фоизи (8,2 миллион киши) яқка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида, 21,0 фоизи (2,2 миллион киши) кичик корхона ва микрофирмаларда меҳнат фаолияти билан банд бўлган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидagi улуши 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 64,8 фоизни, 2010 йилда 74,3 фоизни, 2016 йилда эса 78,2 фоизни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 28,4 фоиз бирликка ошган. 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидagi улуши 78,2 фоизни ташкил этган. Шундан 61,9 фоизини яқка тартибдаги тадбиркорликда банд бўлганлар ташкил этса, 16,3 фоизини кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар ташкил этади.

Ишбилармонлик муҳитини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларнинг қабул қилиниши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

1-жавдал. Жорий қилинган инновациялар сони (2016 йил)

	Жами	Шу жамладан тадқиқ қилинганлар:				
		Ўз кучи билан	бошқа ташиклотлар билан ҳамкорликда	улардан:		бошқа ташиклотлар томонидан
				илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда	олий таълим муассалари билан ҳамкорликда	
Технологик инновациялар	1816	1523	117	41	5	176
шу жумладан:						
Маҳсулотлар бўйича инновациялар	1118	973	73	15	4	72
Жараёнлар бўйича инновациялар	698	550	44	26	1	104
Маркетинг инновациялар	51	39	-	-	-	12
Ташкилий инновациялар	39	29	-	-	-	10

ва янада рағбатлантириш натижасида унинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 31,0 фоиздан 2016 йилдаги 56,9 фоизгача ошди.

2017 йил 1 январ ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича 61220 та кичик бизнес субъектлари (жами субъектларнинг 28,1 фоизи) савдо соҳасида, 42862 таси (19,6 фоизи) саноатда, 21796 таси (10,0 фоизи) қурилишда, 18051 таси (8,3 фоизи) қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларида, 15355 таси (7,0 фоизи) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасида, 10639 таси (4,9 фоизи) юк ташиш ва сақлаш соҳасида ва 48247 таси (22,1 фоизи) бошқа соҳаларда фаолият кўрсатган¹.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида

ўрта синфни устувор даражада ривожлантириш ва сафини кенгайтириш натижасида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланади;
- аҳолининг жамиятда содир бўлаётган воқеаларга муносабати ўзгариб боради;
- солиқ базаси тўлдирилади ва ички инвестициялаш кўпайтирилади;
- аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий хулқ-атвори ўзгаради.

Умуман олганда, булар Ўзбекистон аҳолиси меҳнатда самарали ва оқилона банлик даражасини оширишга, ва охир оқибат турмуш даражасини мунтазам ошиб боришига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>
2. http://lex.uz/Pages/GetPage.aspx?lact_id=3431440
3. <http://2018.strategy.uz/>
4. Доклад о человеческом развитии в Российской Федерации за 2015 год / под ред. Л.М.Григорьева и С.Н.Бобылева. –М.: Аналитический центр при Правительстве Российской Федерации, 2015. С. 7.
5. <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2038-innovatsion-faoliyat>
6. <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2031-o-zbekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi>

¹ <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2031-o-zbekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi>